

Шўро даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакили Амин Умарий 1913 йили Кўконда хизматчи оиласида дунёга келган. Отаси Умар ака эски мактабларда муаллимлик килган. Она Нисобиби дидли, зукко аёл хисобланган. Шу сабаб бўлса керак, Амин Умарий оиласида яхши тарбия кўрган, хатли-саводли бўлиб вояга етган.

Унинг болалиги ўлкада инкилобий кўтарилишлар, иш ташлаш кўзголонлар авжига минаётган даврга тўгри келган. Шунингдек, Кўконда Мукимий, Фуркат, Завкий, Анбар Отин каби элпарвар шоир ва шоираларнинг ижтимоий адолатсизликка карши кураши авж олган давр хам эди. Хусусан, Хамза Хакимзоданинг «Миллий ашуалалар»и, С.Айнийнинг «Марселеза» каби даъваткор шеърияти Амин Умарийнинг ижтимоий онги ўсувида, адиб бўлиб етишувида муҳим омил бўлди.

У ўрта мактабни тугатиб, 1930-1935 йилларда Самарканд Давлат педакадемиясида ўқишга киради. Шоир 1935 йилда Самарканд дорилфунунини аъло баҳолар билан якупнайди. Бу ерда у Х.Олимжон, Уйгун, Ойдин каби истеъододли адиблар билан ҳамнафас бўлади. 1937 йилда Самарканддан Тошкентга кўчиб келади ва шу йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзолигига кабул килинади. Шоирнинг мактаб йилларида бошланган ижоди худди шу даврга келиб гуллай бошлайди. Унинг «Салом, мактаб!» шеъри 1930 йилда босилган бўлиб, «Янгрок садолар» номли биринчи тўплами 1932 йилда нашр этилади. Тўпламдаги кўпгина шеърларда ўша давр учун долзарб бўлган кишлок, саноат, хотин-кизлар озодлиги, зиёлилар хаётини ифодаловчи мавзулар етакчилик килади. Жумладан, «Кайнаётган сехимиз» шеърида саноат мавзуи, «Болшевик хомийси»да пахтакор дехкон меҳнати ва «Зарбачи эрлар» шеърида маърифат мавзуи ўз аксини топади.

1938 йилга келиб, Амин Умаришшг «Давр тантанаси» номли иккинчи шеърий тўплами юзага келади. Мазкур тўпламдаги шеърлар анча пухта, мавзуи жихатидан анча бой эди. Унинг «Ёшлик» (1935) номли тўплами шоир ижодида кўтарилишдан дарак беради. «Фарзанд» (1937), «Садокат» (1938), «Кўшиклар», «Иход богида» каби тўпламлари кетма-кет яратилди. Шоир бу йилларда Тошкент Давлат педагогика институтида муаллимлик килди. «Гулистон» ойномасида, Ўзбекистон Давлат нашриётларида фаоллик кўрсатди, таржимон ва мунаккид сифатида калам тебратди.

Амин Умарий «Шеърлар», «Болалик кўшиклари», «Овозим», «Куёш жарчиси» (1939-1941 йиллар) каби тўпламлар яратди, болалар шоири сифатида «Болалик кўшиклари» (1938) китобини чоп эттирди.

Амин Умарий Улуг Ватан уруши йилларида яна хам жонбозлик кўрсатди. Унинг «Касамёд» (1942) номли шеърий тўплами ўша давр жанговар фахрияси эди.

У драматург сифатида К. Яшин билан бирга «Хамза» (1941), Туйгун билан бирга «Касос» драмаларини ёзди ва уларда уруш даври картиналарини чизишга интилди.

Носир сифатида «Асад» (1932), «Козон йўлида» (1838), «Тошотар» (1939) каби хикоя ва

очерк тўпламларини яратди.

Шоир ва драматург, носир ва таржимон Амин Умарий авжи ижоди кайнаган даврда — 1942 йил 14 ноябрда Бекобод сафаридан кайтгач, бетобликдан вафот этади.